2007 йил, 19 февраль, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 34 (10.843)

Баҳоси эркин нархда

## ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### Қисқа сатрларда

• **БЕКТЕМИР** туманидаги «ТошАТЕК» корхонасида туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан уюштирилган давра суҳбати «Мустақиллик: аёл ҳаракатидаги янги концепциялар ҳақида» деб номланди.

• **ШАҲРИМИЗДАГИ** 293-мактабда ўқувчилар ва ўқитувчилар иштирокида ўтказилган давра суҳбати «Бола ҳуқуқи» деб номланди.

• **ТОШКЕНТ** ихтисослаштирилган саноат касб-ҳунар коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида «Гиёвандлик — аср вабоси» мавзуида ўтказилган тадбир Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ЁИҲ туман бўлимлари, Мирзо Улуғбек туман прокуратураси ҳамда Миллий тикланиш демократик партиясининг Тошкент шаҳар ва Мирзо Улуғбек туман бўлимлари ҳамкорликларида уюштирилди.

• **СЕРГЕЛИ** туманида тадбиркорлар иштирокида «Ташаббус—2007» кўрик-танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

• **ТОШКЕНТ** шаҳар Оқсоқоллар Кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси, «Қалб эътиқоди» давраси ҳамкорликларида уюштирилган маънавий-маърифий тадбир «Аёл ва жамият» деб номланди.

• **ЧИЛОНЗОР** туманидаги «Электромагнитмослашув маркази» корхонасида қалами ўткир адиб Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллиги муносабати билан «Абдулла Қаҳҳорнинг ҳаёти ва ижоди» мавзуида ўтказилган давра суҳбати Маънавият тарғибот марказининг туман бўлими ташаббуси билан уюштирилди.

• **РЕСПУБЛИКА** «Оила» марказида уюштирилган тадбирда жамият тараққиётида оиланинг ўрни муҳокама этилди.

• **БУГУН** Ҳамза туманидаги «Тенгдош» маданият уйида туман ҳудудий тиббиёт бирлашмаси ҳамкорлигида «Эл соғлиғи — юрт бойлиги» мавзуида ўтказилган тадбир Ижтимоий ҳимоя йилига бағишланди.

• **БЕКТЕМИР** туманидаги «Астробод» гузарида туман хотин-қизлар қўмитаси ташаббуси билан тадбиркор аёллар, маҳалла фаоллари иштирокида «Микрокредитбанк» фаолиятини такомиллаштириш ва тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш» мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

•**«ЎЗСТАНДАРТ»** агентлиги ташаббуси билан шаҳримизда уюштирилган тадбирда бозорларда тарозидан оқилона фойдаланиш чоралари хусусида сўз борди.

•**МИРЗО** Улуғбек туманида туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан физика, математика фанларини ўқувчиларга пухта ўргатишнинг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган семинарда туман мактабларининг физика, математика фанлари ўқитувчилари иштирок этишди.

**(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).**

*«Камолот»*

## КЕЛАЖАК БУГУНДАН БОШЛАНАДИ

**МУСТАҚИЛ ЮРТИМИЗДА УНИБ-ЎСИБ КЕЛАЁТГАН ЁШЛАРНИНГ ЖИСМОНАН СОҒЛОМ, МАЪНАН БАРКАМОЛ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ДАВЛАТИМИЗ СИЁСАТИНИНГ ЭНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИ ДЕБ БЕЛГИЛАБ ҚЎЙИЛГАН.**

Хусусан, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, билимли, кенг тафаккурли, комил инсон бўлиши, ютуқларини рағбатлантириб, муаммолари ечимини ҳал этишга кўмаклашиш мақсадида иш олиб бораётган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳам бу борада аниқ режалар бўйича бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

Маълумки, бугун юрт посбонига кўрсатилаётган эътибор, иззат-ҳурмат, яратилаётган шарт-шароитлар Миллий Армиямиз сафларининг соғлом, тетик, ҳар жиҳатдан етук, ватанпарвар аскар ўғлонлар билан таъминланишига имконият яратмоқда. Шу маънода ёшларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташ самарадорлигини ошириш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, уларнинг ўқишни давом эттириши ва олий ўқув юртларига ўқишга кириши учун имтиёз ва шароитлар яратиш мақсадида 2005 йил 31 октябрда Республикамиз Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори қабул қилинган эди. Бу Қарорга мувофиқ муддатли ҳарбий хизматни ўтаган, хизмат тавсияномасига эга бўлган, тўлов-контракт шакли бўйича ўқишга қабул қилинган ва «Камолот» ҳаракати фаолиятида фаол иштирок этиб келаётган талабаларга контракт суммасининг 35 фоизини «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан тўлаб берилиши белгиланган эди.

Ёшларни нафақат маънавий, балки моддий томондан ҳам қўллаб-қувватлаш йўлидаги ушбу режа ижроси бўйича шаҳримиздаги олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 841 нафар талабага контракт тўлови учун 157 миллион сўмга яқин сумма «Камолот» ЁИҲ томонидан ажратилди.

Куни кеча Марказий Офицерлар уйида муддатли ҳарбий хизматни намунали ўтаб, тавсиянома билан тўлов-контракт шакли бўйича ўқишга қабул қилинган талабаларга «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан тантанали равишда сертификат топшириш маросими бўлиб ўтди.

— Азиз ёшлар, муддатли ҳарбий хизматни ёруғ юз билан ўтаб, талабалар сафидан жой олган ўғлонлар ва бугунги кунда юртимиз сарҳадларини қўриқлаётган Ватан ҳимоячилари, —деди жумладан тадбирда сўз олган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши раиси ўринбосари, «Камалак» болалар ташкилоти раиси Гулчеҳра Олимжонова. — Ишонамизки, сизлар олий ўқув юртини ҳам муваффақиятли тугаллаб мамлакатимиз равнақига хизмат қилувчи етук кадрлар бўлиб етишасиз. Давлатимиз, шахсан Юртбошимиз томонидан сизларга кўрсатилаётган юксак ишонч ва эътиборни аъло ўқишингиз, касбга садоқатингиз билан оқлайсиз.

Давлатимиз томонидан берилаётган бу имтиёзлар, албатта ёшларни қўллаб-қувватлаш билан бирга улар зиммасига катта масъулият ҳам юклайди. Уларни юрт тинчлиги, ободлиги ва янада гуллаб-яшнашига ҳисса қўшишга чақиради.

— Бизга билдирилаётган катта ишонч, умид ва эътиборга муносиб бўлиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир, — деди Тошкент Давлат юридик институти талабаси Шерзод Отажонов. — Мен барча тенгдошларимни озод ва обод Ватанимизга муносиб ворис бўлишга чақираман.

Келажак ёшлар қўлида экан, ҳар бир юрт фарзанди кўнглида, дилида юрт тақдири менинг қўлимда, уни кўз қорачиғидай асраш, жаҳон майдонида обрўсини кўтариш, ривожига ҳисса қўшишдек хайрли мақсад бўлсин. Зеро, бугунимиз, эртамизнинг порлоқ йўли ҳар биримизнинг биргаликдаги саъй-ҳаракатимиз, ҳамкорликдаги ишларимизга боғлиқ. Президентимиз айтганларидек: «Таъбир жоиз бўлса, Ўзбекистон деб аталган шу табаррук заминга эзгу ният билан бир ниҳол экмоқчи бўлсак, уни айнан шу бугун экишимиз керак».

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: Марказий Офицерлар уйида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.**

**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**





*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида*

## ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ ВА ҚОНУНЧИЛИК

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА АҲОЛИНИ ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШДА МАҲАЛЛАНИНГ РОЛИНИ КУЧАЙТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.**

Қуйи палатанинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик ва идоралар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, мутахассислар ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашдилар. Уни мазкур қўмита раиси А.Саидов бошқарди.

Анжуманда Президентимиз Ислом Каримовнинг шу йил 23 январда қабул қилган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ва унда 2007 йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилингани муносабати билан ҳамда аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш кўламини янада кенгайтириш, жамиятда ҳамжиҳатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини вужудга келтириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган бир қатор устувор вазифалар белгилангани таъкидланди. Ана шу вазифалар ижросини таъминлаш ҳамда ушбу соҳадаги ишларни изчил амалга оширишда давлат ташкилотлари билан бир қаторда мамлакатимизда фаолият юритаётган кўплаб нодавлат нотижорат ташкилотлари, жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли, айниқса, беқиёс экани қайд этилди.

Юртимизда амалдаги ижтимоий ҳимоя тизими самарадорлигини ошириш эҳтиёжидан келиб чиқиб, ўз навбатида, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш соҳасида ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб бўғини бўлган маҳалланинг бугунги кундаги ролини ошириш, бунинг учун унинг қонуний асосдаги ваколатларидан янада самарали фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Ҳозир республикамизда 9 минг 941 фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда. Аҳолининг ночор қатламлари - муҳтож оилалар, ногиронлар, ёлғиз карияларни аниқ ижтимоий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини рўёбга чиқариш борасида маҳаллаларнинг роли тобора ошиб боряпти.

Ижтимоий ҳимоя тизимидаги самарадорликни оширишда жойларда ишсизлик муаммосини ҳал этиш масаласи ҳам долзарб вазифалардандир. Зеро, аҳоли бандлигини таъминлаш – ижтимоий ҳимоянинг муҳим шартларидандир. Шу боис бугунги кунда қишлоқ ва шаҳар маҳаллаларида фермерлик, тадбиркорлик ва касаначилик фаолиятини кенг йўлга қўйишга эътибор қаратилмоқда. Табиийки, бу жараёнда маҳалланинг ташаббускор ва ташкилотчи бўлаётгани қувонарли ҳол, албатта.

Анжуманда мустақиллик йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий қўллаб-қувватлашга оид ўттиздан зиёд қонун яратилиб, амалиётда кенг қўлланилаётгани қайд этилди. Бу соҳада ҳаёт тақозо этаётган янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва мавжудларини янада такомиллаштириш масалаларига эътибор қаратилди.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БЕЛЬГИЯ ҚИРОЛЛИГИДАГИ ФАВҚУЛОДДА ВА МУХТОР ЭЛЧИСИ ИСОН МУСТАФОЕВ БЕЛЬГИЯЛИКЛАР ҚИРОЛИ АЛЬБЕРТ ИККИНЧИГА ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИНИ ТОПШИРДИ.**

Бўлиб ўтган мулоқот чоғида сиёсий, савдо-иқтисодий соҳалардаги икки томонлама муносабатларнинг ҳолати ва истиқболлари, шунингдек, маданий ҳамда гуманитар ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Бельгияликлар қироли Альберт II Ўзбекистон—Бельгия муносабатлари даражасини ижобий баҳолар экан, улар барча соҳаларда муваффақият билан ривожланишига умид билдирди.

Суҳбат чоғида қирол Альберт II чин дилдан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ҳамда Ўзбекистон халқига фаровонлик ва муваффақиятлар тилади.

**«Жаҳон» АА.**

## XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Жиззахда Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун анъанавий «Ташаббус — 2007» кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

**• Ўзбекистон Болалар жамғармасининг Сирдарё вилоят бўлими ЮНИСЕФ—Халқаро болалар жамғармаси билан ҳамкорликда яна бир хайрли ишга қўл урди. Сирдарё вилоятининг Сайхунобод туманида тикувчилик, макарон маҳсулотлари ва музқаймоқ ишлаб чиқариш цехларини ўз ичига олган «Болалар-2005» корхонаси ишга туширилди. Шу орқали 20 дан зиёд қишлоқ ёшларининг ишга жойлашишларига имконият яратилди.**

**• Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида кам таъминланган оилалар вакилларини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш мақсадида меҳнат ярмаркаси ўтказилди. 50 дан зиёд ташкилот, корхона ва фермер хўжаликлари 130 га яқин бўш иш ўрни билан қатнашган тадбир давомида тоғли туманда 100 га яқин талабгор муқим ва даромадли иш билан таъминланди.**

**• Тахиатош шаҳридаги фахрийлар сиҳатгоҳи кўп йиллардан буён фахрийларга беминнат хизмат кўрсатиб келмоқда. Бу ерда асаб тизими ва суяк-мушак хасталикларига чалинганлар даволанишади. Айтиш керакки, Ижтимоий ҳимоя йилида сиҳатгоҳ маъмурияти қўшни Хоразм вилояти фахрийлари учун ҳам 25 та қўшимча ўрин ажратди.**

**• Избоскан туманидаги Урганжи қишлоғида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган «Ойдинбулоқ» қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. 3,5 минг аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатувчи ушбу шифо маскани қисқа муддатда «Андтехназ» масъулияти чекланган жамияти қурувчилари томонидан бунёд этилди.**

**• Жиззах туманидаги Меҳрибонлик уйларининг етти нафар тарбияланувчиси дам олиш ва соғлиғини тиклаш мақсадида Республика терапия ва реабилитация институтига келди. Соғломлаштириш дастуридан жисмоний тарбия билан шуғулланиш ва экскурсиялар, физиотерапевтик муолажалар ва тоза ҳавода турли ўйинлар, фильмларни томоша қилиш ва ўқиган китоблар муҳокамаси, ҳар хил викториналар ва шу каби машғулот ҳамда тадбирлар ўрин олган.**

**•Шредер номидаги Боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш мажмуаси мутахассислари томонидан баҳорги мавсум учун фермерлар ва ҳаваскор боғбонларга 6 миллионта турли кўчат қаламчалари тайёрлаб қўйилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Кеча Албанияда маҳаллий ҳокимият органларига сайловлар бўлиб ўтди. Унда 3 миллионга яқин сайловчи мамлакатнинг 26 та маъмурий-ҳудудий бирликлари бўйича депутатларни сайлашди.**

**• 2004 йил 11 март куни Мадрид шаҳрида амалга оширилган ва 191 киши ҳаётдан кўз юмган террорчилик ҳаракатларига алоқадорликда гумон қилиниб, қўлга олинганлар устидан суд жараёнлари бошланди. Суднинг қора курсисидан 29 нафар айбланувчи ўрин олган бўлиб, прокурор Ольга Санчес уларга умумий ҳисобда 270875 йил қамоқ жазоси берилишини талаб қилмоқда.**

**• Ядро дастурини ривожлантириш муносабати билан Япония Эронга нисбатан санкция жорий қилишини билдирди. Унга кўра Эроннинг ядро дастури билан боғлиқ 10 та ташкилот ва 12 нафар шахснинг ҳисоб рақами музлатиб қўйилади. Ядро соҳасида фойдаланиш мумкин бўлган хом ашё ва технологияларни Эронга экспорт қилиш тақиқланади.**

**• Кеча Россиянинг Сочи шаҳрига Халқаро Олимпия қўмитасининг баҳолаш комиссияси аъзолари келишди. Улар тўрт кун давомида Сочи шаҳрининг 2014 йилда ўтказиладиган қишки Олимпиадани ўтказишга қанчалик тайёр эканлигини кўздан кечиришади. Айтиш керакки, қишки Олимпиадани қабул қилиш учун Жанубий Кореянинг Пхеньян ҳамда Австриянинг Зальцбург шаҳарлари ҳам даъвогарлик қилмоқда.**

**• Москва областининг Одинцово, Подольск ва Домодедово районларидаги фермаларда парранда гриппига чалинган товуқларнинг мавжудлиги аниқланди. Текширувлар давомида уларнинг инсон ҳаёти учун хавфли бўлган H5N1 вируси билан хасталанганлиги аниқланди. Шу муносабат билан ушбу ҳудудларда дезинфекция ишлари олиб борилиб, карантин эълон қилинди.**

**• Берлиндаги 57-анъанавий халқаро кинофестиваль якунланиб, барча совринлар ўз эгаларига топширилди. Фестивалнинг бош мукофоти—олтин айиқ билан хитойлик киноижодкорлар томонидан суратга олинган «Туи тўйи» фильми тақдирланди.**

**• АҚШнинг Канаверал қўлтиғидаги космодромдан учирилган «Дельта-2» элтувчи ракетаси коинотга бирваракайига бешта Ер сунъий йўлдошини олиб чиқди.**

**• Футбол бўйича Бразилия терма жамоаси сўнгги 55 ой мобайнида илк бор ФИФА рейтингида биринчи ўринни бериб қўйди. Бразилияликлардан Италия терма жамоаси ўзиб кетди. Аргентина термаси эса ФИФАнинг сўнгги рейтинг жадвалида учинчи ўринни эгаллаб турибди.**

# «АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИ БУТУН ИНСОНИЯТ МУЛКИДИР»

**МАНА БИР НЕЧА АСРДИРКИ, БУЮК ЎЗБЕК ШОИРИ, ҒАЗАЛ МУЛКИНИНГ СУЛТОНИ АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИ ДУНЁНИНГ КЎПЛАБ МАМЛАКАТИДАГИ ШЕЪРИЯТ ИХЛОСМАНДЛАРИНИНГ ДИҚҚАТ-ЭЪТИБОРИНИ ТОРТИБ КЕЛАДИ.**

Буюк бобокалонимиз таваллудининг 566 йиллиги арафасида Ўзбекистоннинг Париждаги элчихонасига Франция Шарқ тиллари ва цивилизациялар институти (INALCO) профессори Реми Дордан мактуб келди. Унда франциялик олим халқимизнинг буюк шоири ва давлат арбоби қолдирган бебаҳо мерос ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини қаламга олган.

Мир Алишер Навоий XV аср ўзбек адабиётининг жуда ёрқин вакилидир, деб ёзади Р.Дор. Навоий нафақат шоир, балки йирик давлат арбоби ҳамдир. Унинг адабий услубидаги назокат, асарларининг маҳобати ҳамда ҳар томонлама ижтимоий фаолияти кишини ҳайратга солади.

Марказий Осиёнинг тафаккур маркази – Самарқандда таҳсил олганидан сўнг Алишер Навоий шеърият билан бирга жамоат ишлари билан ҳам шуғулланди. У ўткир зеҳнли, оқил ва доно сиёсий арбоб бўлгани боис ижтимоий ҳаёт ва ҳарбий аҳамиятга эга бўлган жуда масъулиятли вазифаларни бажарди. Сиёсат саҳнасида эришган муваффақиятларидан ташқари, у аввало, фикр-ғояларидан бутун Марказий Осиё халқларининг маданияти ва тараққиёти озиқ олган буюк инсонпарвар даҳо сифатида жумлаи жаҳонда маълум ва машҳурдир. Бундан ташқари, улуғ шоир ўз даврининг бошқа таниқли алломалари қаторида мусулмон дунёсининг йирик мутафаккири сиймосини намоён этган ва намоён этмоқда.

Алишер Навоий шарофати билан ўзбек тили Марказий Осиё халқлари ўртасидаги маданий ва адабий мулоқотнинг воситаси даражасига кўтарилди. У нафақат бетакрор шоир, балки илм-фан ва санъатнинг ҳомийси ҳам эди. XV асрнинг иккинчи ярмида А.Навоийга қадрли бўлган Ҳиротда адабий-бадиий ҳаёт гуллаб-яшнади.

Алишер Навоий шеърият билан бирга мусиқа, мусаввирлик ва меъморчиликка ҳам қизиқар эди. Шоирнинг бевосита раҳбарлиги остида кўплаб ёдгорликлар, мактаб-мадрасалар, масжидлар, сув омбори ва бошқа иншоотлар барпо этилди.

«Буюк шоир қолдирган бебаҳо мерос бутун инсониятнинг мулкидир», — деб ёзади Реми Дор.

**«Жаҳон» АА**
**Париж**





## «Ташаббус — 2007»
# ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

**КУНИ КЕЧА МИРЗО УЛУҒБЕК ТУМАНИДА ҲАМ ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ УЧУН ЎТКАЗИЛАЁТГАН «ТАШАББУС — 2007» КЎРИК-ТАНЛОВИНИНГ ТУМАН БОСҚИЧИ БЎЛИБ ЎТДИ.**

Кўрик-танловда туманда фаолият кўрсатаётган жуда кўплаб тадбиркор ва ҳунармандлар қатнашишга талабгор бўлишди. Улар орасидан эса энг муносиблари танлаб олинди ва Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси Мирзо Улуғбек Ахборот-



маслаҳат маркази ташкилотчилигида ўтказилган тадбирда ўзаро беллашишди.

Уч босқичдан иборат кўрик-танловда 12 та тадбиркор ва 11 та ҳунарманд ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари кўргазмаси, корхона фаолияти ҳақидаги тақдимот ҳамда билимдонликлари синалган тест саволларига жавоблари билан фаол иштирок этишди.

— Тадбиркор ва ҳунармандларимиз ўзларининг ишлаб чиқариш соҳасидаги маҳоратлари, фаолиятларининг рекламаси ҳамда иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонликларини кўрик-танловда яна бир бор намойиш этишди, — дейди туман Ахборот-маслаҳат маркази раҳбари Собиржон Охунжонов. — Албатта, шу ўринда туманимизда тадбиркорлар сафининг ортиб бораётгани иқтисодиётимиз ривожида, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашда, қўшимча ишчи ўринлари яратишда муҳим ҳисса бўлаётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу, шубҳасиз, юртимизда тадбиркорликка қаратилган юксак эътибор, Президентимизнинг уларга катта ишончининг самарасидир. «Ташаббус» кўрик-танлови ҳам ана шундай эътиборнинг яққол бир кўринишидир.

Кўрик-танлов якунига кўра тадбиркорлар орасида биринчи ўрин ва «Энг яхши тадбиркор» номи «Авиценна Арома» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Иброҳим Турсуновга, 2-ўрин «Табриклар дунёси» масъулияти чекланган жамияти директори Олег Евзманга, 3-ўрин эса «Протон» масъулияти чекланган жамияти раҳбари Диас Румидга насиб этди.

Ҳунармандлардан миниатюрачи рассом Азим Алибеков 1-ўринни эгаллаб «Энг яхши тадбиркор» номини қўлга киритган бўлса, ёғоч ўймакори Анвар Алимбоев 2-ўринга, сопол устаси Иван Федичкин 3-ўринга лойиқ топилди. Ғолиблар диплом ҳамда рангли телевизор (1-ўрин), DVD (2-ўрин), гуруч қайнатгич (3-ўрин) билан тақдирланишди. 1-ўрин соҳиблари кўрик-танловнинг пойтахт босқичида туман шарафини ҳимоя қилишади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

**СУРАТЛАРДА: М.Улуғбек туманида бўлиб ўтган «Ташаббус — 2007» кўрик-танловидан лавҳалар.**

**Наталья Семёнова олган суратлар**

## Сизга қандай хизмат кўрсатишмоқда?
# МИЖОЗЛАР МАМНУН

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ БАНКИ БЕКТЕМИР ТУМАНИ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ АНА ШУНДАЙ ТАМОЙИЛ АСОСИДА ЮРИТМОҚДА.**

Филиалнинг замонавий техника билан жиҳозланган банк офиси ва кирим кассаларида мижоз учун энг қимматли бўлган вақтни тежаш имконини берувчи барча қулайликлар яратилган. Малакали мутахассислар банк операцияларининг барча турлари бўйича, хоҳ омонатларни очиш, хоҳ коммунал тўловларни қабул қилиш бўлсин, сифатли хизматларни амалга оширмоқдалар. Муҳим аҳамиятга эга бўлган ана шу омиллар, филиал раҳбариятининг узоқни кўзловчи сиёсати, шунингдек, жамоанинг аҳил ишлаши банкка ўтган йил режани 101,5 фоиз соф фойда билан бажариш имконини берди.

— Биз аҳолига турли хилдаги чакана хизматларни таклиф этамиз, — дейди Ўзмиллийбанк Бектемир филиалининг бошқарувчиси Шерзод Тиллахўжаев. — Булар миллий ва хорижий валютадаги депозитларни ҳам, сўм пластик карточкалари ва халқаро пластик карточкаларни муомалага чиқариш ва уларга хизмат кўрсатиш, пул ўтказмаларини амалга ошириш, валюта алмашув операцияларини бажариш ва бошқа кўпгина хизматларни ҳам ўз ичига олади.

2006 молия йилида Вазирлар Маҳкамасининг «Пластик карточкалар асосида ўзаро ҳисоб-китобларни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорини амалга ошириш ишларини давом эттирдик. Биз 6,5 мингдан ортиқ пластик карточкани чиқардик. Жорий йилнинг 1 январидаги ҳолатга кўра уларнинг умумий миқдори 15168 тага етди. Савдо ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналарида ўрнатилган Ўзмиллийбанк терминаллари орқали пул маблағларининг айланиши 560 миллион сўмни ташкил этди.

Аҳоли ўртасида товарлар ва хизматлар ҳақини тўлаш чоғида пластик карточкалардан фойдаланишга бўлган талаб ўсаётганини ҳисобга олиб, биз терминал тармоқларини янада кенгайтиришни режалаштирмоқдамиз. Масалан, яқин вақт ичида «UZGAZOIL» ҚК газ қуйиш станцияларида ва туманнинг бир қанча савдо шохобчаларида — «Там савдо» ОАЖ, «Мирзаҳмедов Равшан» хусусий фирмаси, «Баширова Рима»



ОАЖда нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари жорий этилади.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, биз коммунал, солиқ ва бошқа барча турдаги тўловларни пластик карточка воситасида ва нақд пул шаклида қабул қиламиз. Қайд этилган давр мобайнида ўтказмалар умумий ҳажми 827,3 миллион сўмни ташкил этди.

Банк сўм пластик карточкаларининг эгалари бўлган ўз мижозларига янги хизматни — овердрафт кредитини таклиф этади. Мазкур кредит қарз олувчига унга белгиланган лимит миқдоридаги кредит маблағларини исталган вақтда ўз хоҳишига кўра олиш имконини беради.

Аҳолининг аксарият қисми учун депозит ёки банк омонати пул маблағларидан умумий фойдаланишнинг энг машҳур ва ишончли усули бўлиб қолмоқда. 2006 йилда филиалимиз миллий валютадаги омонатларга 880 миллион сўмни, хорижий валютадаги омонатларга 85 минг АҚШ долларини жалб этган. Бу эса, банк ишончлилигининг юксак кўрсаткичи эканлигини англатади.

Шубҳасизки, Ўзмиллийбанкнинг Бектемир филиали туман иқтисодий салоҳиятини ривожлантиришда фаол иштирок этиб, йирик саноат объектларини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молияламоқда. Ана шу мақсадлар учун 2006 йилда банк филиали 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратган.

Замонавий банк технологияларидан фойдаланиб, биз мижозларимизга хизматлар даражасини кўтаряпмиз. Масофадан электрон хизмат кўрсатишнинг амалдаги R-Bank тизими манфаатдор ташкилотларнинг бухгалтерларига офисдан чиқмай туриб, реал вақт режимида ўз ҳисоб варақлари билан операцияларни амалга ошириш ва қўшимча ахборот хизматларини олиш имконини беради.

Келгусида корпоратив ва чакана мижозлар доирасини кенгайтира бориб, аҳолининг банк шўъбасига ишончини ошириш ва мижозларга хизмат даражасини такомиллаштириш эвазига биз республика молия шўъбасининг пешқадами сифатида Ўзмиллийбанкнинг обрў-эътиборини кўтарамиз.

**Усмон УСМОНОВ**

**СУРАТДА: Ўзмиллийбанк Бектемир филиали мижозларга хизмат кўрсатмоқда.**

**Муаллиф олган сурат**

## Солиқ
# ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН

**РЕСПУБЛИКАМИЗДА МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИЛГАН ЙИЛЛАРДАН БОШЛАБ ЖАҲОН МАЙДОНИГА ЧИҚИШ, ТАРАҚҚИЙ ЭТГАН ДАВЛАТЛАР ҚАТОРИДАН ЎРИН ОЛИШ МАҚСАДИДА ЖАМИЯТНИНГ СИЁСИЙ, ИҚТИСОДИЙ, ИЖТИМОИЙ ВА МАЪНАВИЙ ЖАБҲАЛАРИДА КЕНГ ҚАМРОВЛИ ИСЛОҲОТЛАР ОЛИБ БОРИЛМОҚДА. ХУСУСАН СОЛИҚ ТИЗИМИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР, СОЛИҚ ЮКИНИНГ КАМАЙТИРИЛИШИ,ТАДБИРКОРЛАРГА ЯРАТИЛАЁТГАН ШАРТ-ШАРОИТЛАР ФИКРИМИЗ ДАЛИЛИДИР.**

Тараққиёт жадаллашиб, турмуш тарзимиз ўзгарар экан, амалдаги қонун-қоидалар ҳам шунга мувофиқ такомиллашиш йўлидан бораверади. Жумладан, солиқ сиёсатини янада такомиллаштиришдан хўжалик юритувчи субъектларга мамлакат иқтисодиёти самарадорлиги ва рақобатбардошлигининг ошишига хизмат қилувчи солиқлар юкини камайтириш, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини пасайтириш орқали уларнинг даромадини ошириш каби бир қатор аниқ мақсадлар кўзланмоқда. Қабул қилинаётган қонунларни ҳаётга изчил татбиқ этиш ва амалиётда тўғри қўллаш эса ҳар бир соҳа вакилларининг саъй-ҳаракатига боғлиқ. Бу борада туманларда фаолият юритаётган солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ҳам бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Буни биз биргина Ҳамза тумани мисолида кўриб чиқишимиз мумкин.

Ҳамза тумани давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан туман ҳудудида жойлашган ҳар бир корхона, ташкилот, ўқув юртлари ҳамда аҳоли ўртасида солиқ тизимидаги ҳар бир ўзгариш, Фармон ва қарорлар моҳияти, ижроси юзасидан тушунтириш ва суҳбатлар олиб борилмоқда. Тумандаги ҳар бир тадбиркорнинг солиқ тўловларини вақтида тушуниб тўлаб боришига, қабул қилинаётган қарорларга оғишмай амал қилишига эътибор қаратилмоқда.

Мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, туманда Президентимизнинг 2006 йил 9 мартдаги «Автомобиль транспортида йўловчилар ташиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг алоҳида турларини амалга оширишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қарори ижроси бўйича амалга оширилаётган ишлар бугун ўз самарасини бераётганлигини таъкидламоқ даркор.

Бугунги кунда Ҳамза туманида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланаётган корхона ва ташкилотлар сони 18 та бўлиб, бу корхоналарда 256 та автобус, 272 та микроавтобус ва 203 та енгил автомашиналар мавжуд. Ўтган йилда хизмат кўрсатишдан тушган жами тушум миқдори 5001045,3 минг сўмни, декабрь ойининг ўзида эса 395291.3 минг сўмни ташкил этди.

Айтиб ўтиш жоизки, юқоридаги Қарор эълон қилингандан сўнг унинг мазмун-моҳияти туман солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ўрганиб чиқилди ва унинг ижросини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар режаси белгилаб олинди. Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан олинган маълумотларга асосланиб автомобиль транспортига эга фуқаролар билан учрашиб тушунтириш ишлари олиб борилди.

Тегишли идоралар билан ҳамкорликда хизмат кўрсатиш фаолиятини янада яхшилаш, ҳаракат хавфсизлигини сақлаш, аҳоли соғлиғи ва ҳаётини ҳимоя қилиш мақсадида текшириш ва рейдлар ўтказилди. Натижада шунча яратилган қулайликларга қарамай, аҳолига ноқонуний равишда пуллик транспорт хизмати кўрсатаётган 177 нафар фуқаро аниқланди ва улар қонунда белгиланган тартибда чора кўриш учун туман судига юборилди, айримлари эса қонунбузарлиги учун муносиб жазосини олди.

Биз шу ўринда юртимиз иқтисодини кўтариш, аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш йўлида интилаётган тадбиркорларимизга бир нарсани айтиб қўймоқни жоиз деб биламиз: солиқ, бож ва шунга ўхшаш кўплаб мажбурий тўловларни имкон қадар камайтириш давлатга ҳам, тадбиркорга ҳам кенг имкониятлар эшигини очишини, яратилаётган барча енгилликлар фақат халқнинг турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида жорий этилаётганини унутмайлик ва шунга яраша ўз вазифамизни виждонан адо этайлик. Токи ишларимиз ривожи давлатимиз тараққиётига хизмат қилсин.

**Гўзал ШОЖАЛИЛОВА,**
**Ҳамза тумани Давлат солиқ инспекцияси ходими**

# СИРЛИ ОЛАМ

**Жаҳон ва маҳаллий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди**

● Бундан 2 миллион йил муқаддам яшаган ибтидоий одам бурро-бурро товушлар чиқара олганми? Ибтидоий одам бош мия суягини тадқиқ этган француз олимлари сўз талаффузи фаолиятини ўргандилар. Улар илк ўтмишдошларимизда баъзи бир ҳарфларни тўлиқ айтиш имконияти бўлмаган, баъзиларини эса аниқ-равшан талаффуз эта олганликларини баён этдилар. 1967 йилда топилган, бундан 450 минг йил аввал Франция жанубида яшаганлар ҳозирги замон кишиларига ўхшаш сўзлашиш аъзосига эга бўлганлар. Уларнинг остки жағлари томоққа тик боғланиш билан бирикиб, лаблари ўзаро ёндош жойлашган, тиллари эса ҳозирги кишиларникига нисбатан бирмунча калта бўлган. Ўтмишдошлар ҳозирги барча унли ва ундошларни талаффуз эта олганликларини аниқлаш мақсадида, олимлар уларнинг сўзлашиш аъзолари нусхасини ясадилар ва компьютер ёрдамида текшириб кўрдилар. Шу йўсинда товуш босиб ўтган босқичлар кўрсаткичи тузилиб, қадимги Европо аҳолисининг сўз товушлари хазинаси аниқланди.

● Корея ва Япония маданиятида жадеит, оқ-қизил рангли минерал азалдан нафосат ва гўзаллик рамзи ҳисобланади. Ривоятларга кўра, у одамларга бахт ва қувонч келтириб, ҳамма хавф-хатарларни даф қилиш хислатига эга экан. Мутахассисларнинг фикрича, жадеитдан тайёрланган безаклар шифобахш хусусиятга эга бўлиб, улар биринчи навбатда уйқусизликдан азоб чекаётганларга тавсия қилинади.

● Археологларнинг тасдиқлашича, тош асрининг одамлари туяқуш тухумини севиб истеъмол қилишган. Табиийки, бу жониворни хонакилаштиришга ҳам улгуришгандир. Мутахассисларнинг бундай тўхтамга келганига Жанубий Америкада топилган туяқуш тухумининг пўчоқлари сабаб бўлди. Маълум бўлишича, бу жонивор тухумининг пўчоғида аминокислота мавжуд бўлиб, ушбу кимёвий модда анча давр ўтса-да ўзи макон топган жойига ҳеч қандай зарар етмаслигини таъминлар экан. Мутахассислар тухум пўчоқлари бундан 200 минг йил муқаддам ерга тушганини аниқлашди.

● Жаҳонда энг содда тил Гавай оролида яшовчи халқлар лисонидир. Унда олтита ундош ва бешта унли ҳарфлар бор холос. Шунингдек, бу тилда биронта ҳам талаффуз қилиш қийин бўлган сўз учрамайди. Аммо унинг грамматикаси шу қадар мураккабки, ҳатто ўткир тилшунослар ҳам бу тил қаршисида ип эшолмай қолишади. Шундай бўлсада гавай тилида ҳеч қийналмай исталган фикрни изҳор этиш мумкин.

● Германияда тупроқ таркибини муҳим минерал моддалар ва металлардан маданий ўсимликлар ёрдамида халос этиш усулига оид муаллифлик гувоҳномаси қайд этилган эди. Унинг муаллифи таъкидлашича, агарда ўсимлик таркибида кальций, натрий ёки темир бўлмаган ўғит билан озиқлантирилмаса, улар ўриндошларини керагидан ортиқ бўлган ердан сўриб оладилар. Шунинг билан бирга минерал моддалар авваламбор ҳосилда тўпланади. Эквадорлик олимлар бундай назарияни амалиётда синаб кўришга қарор қилдилар. Тажриба сифатида бананлар танланди. Улар махсус озиқлантирилмай, ҳосилини синчиклаб текширувдан ўтказдилар. Шунда ихтирочи гувоҳномани бекорга олмаганлиги аниқланди. Бананлар таркибида торий, титан, ҳатто уран юқори миқдорда тўпланган экан.

● XVIII асрнинг охирида Гемфри Дэви деган бир ёш йигит киши азот оксиди деб аталадиган хушбўй газ билан нафас олганда, унинг ҳаяжонли ҳолатга тушганини аниқлаган ва ўзи шу кўйга тушган эди. Мана шу воқеадан кейин у анча-мунча вақтгача тиш оғриғи нималигини билмаган. Орадан ярим аср ўтгач, Жексон деган кимёгар ва ҳаким ичига хлор тўлдириб қўйилган идишлардан бирини бехосдан синдириб қўяди. Натижада кимёгарнинг ичига анча-мунча газ кириб кетади ва қалқиб йўталади. Ниҳоят, Жексон хлорнинг нафас йўлига қилган таъсирини аммиак ва эфир буғлари аралашмасини искаш йўли билан йўқотишга қарор беради. У хлорнинг эфир водороди билан бирикиб, водород хлорид ҳосил қилишини, бунинг эса ўз навбатида аммиак билан бирикиб таъсирсизланишини ўйлаган эди. Эндиликда бўлса биз унинг калта ўйланган тадбир эканлигини биламиз. Бироқ, аралашманинг таркиби қандай бўлмасин, уни искаш ҳақиқатан ҳам йўтал ва оғриқни қолдирган эди. Ўшандан бир неча йил кейингина шу нарса кашф қилиндики, йўтал ва оғриқнинг қолишига эфирнинг наркотик таъсири сабаб бўлган экан. Бу ажойиб кашфиётдан воқиф бўлган Робенсон деган ҳаким Европада биринчи бўлиб тишни оғриқсиз суғурди. Эфир наркозининг овозаси кенг тарқалди. Олимлар ана шу янгиликни ўз лабораториясида туриб Қуёш тизмасида янги сайёра борлигини аввалдан айтган астрономнинг кашфиётига тенглаштирдилар. 1867 йили Бостонда инсон заковатининг оғриқ устидан ғалаба тимсоли сифатида эфирга ҳайкал ўрнатилди.

● Канадада 45 йилдан буён давом этаётган анъанага хотима берилди. Яқин келажакда гўзаллик танловлари ўтказилмайдиган бўлди. Ҳар йили шундай танловни ўтказадиган «Бейтонс» компанияси бундай қарорга келишининг асосий сабаби жамиятнинг ана шундай томошаларга муносабати ўзгарганлигидадир, деган фикрни билдирди. Кўп одамлар гўзаллик танлови аёлларни камситади, деб ҳисоблайдилар. Сўнгги «Канада хоними» танловида даъвогарларни чўмилиш кийимида кўрсатиш бекор қилинган эди. Мамлакатдаги барча йирик хотин-қизлар ташкилотлари бу янгиликни табрикладилар.

# Маънавият — ақл кўзгуси



***Китоб — билим манбаи, ақл-тафаккуримизни бойитувчи бебаҳо хазинадир. Ёшликдан китобга ошно бўлган инсоннинг маънавияти ҳам юксак бўлади, албатта.***

Ҳаёт тараққиёти ўзгарувчандир. Бу ўзгарувчанлик инсоният, жамият ҳеч қачон бир нуқтада қолмаслигини, у ҳар доим пастдан юқорига, ўтмишдан келажакка томон кўтарилиб, юксалиб, илгарилаб боришини кўрсатади. Бундай ишларни давом эттириш учун ёш авлодни баркамол, мустақил фикрлайдиган, ҳунарманд, тадбиркор, касбга, ватанга меҳрли қилиб тарбиялаш ота-она ва устозларнинг асосий вазифасидир.

Бу борада Президентимиз ташаббуслари билан «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг қабул қилингани ва ҳозирги кунда сифат босқичига ўтгани мустақил Ўзбекистон ёшларининг келажакка томон кўтарилишига асос бўлиб хизмат қилмоқда. Миллий дастурнинг кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларида: ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатларига ҳамда умумбашарий қадриятларига асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топтиришнинг устуворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида, мамлакат аҳолиси орасида маърифий ишлар такомиллаштириб борилади»—деб таъкидланиши бежиз эмас.

Мустақиллик шарофати билан ёшларимиз олдида жуда кенг имкониятлар очилди. Қатор касб-ҳунар коллежлари, аниқ касбларга, соҳаларга йўналтирилган академик лицейлар ташкил этилди.

Бу имкониятлар нафақат ёш авлодга, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига доим ўз фаолиятига танқидий ёндашиб, уни ҳамиша таҳлил қилиб боришни тақозо этади. Шунда янги ғоя, ташаббус, иттифоқдошлик юзага келади. Бефарқлик, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга бепарво муносабатда бўлиш, лоқайдлик, инсон зотига хос хислат эмас. Энг асосийси, ёшларнинг маънавий ва маърифий тарбиясига бепарво, лоқайд муносабатда бўлмаслик замон, давр, жамият талаби эканини унутмаслигимиз керак. Зотан, бугунги авлод қандай шароитда, муҳитда тарбия кўрса, келажак ҳам шунга қараб бўлади. Бинобарин миллий ғоя, миллий мафкура халқни бирлаштирувчи, юксак мақсадларга етказувчи қудратли кучдир. Маънавият сўзининг мазмуни маънолар мажмуи экан, ёш авлодни тарбиялашда қуйидаги асосий тушунчаларни уларнинг онгига сингдириш долзарбдир:

1.Маънавият — энг аввало билим ва ҳунар эгаллашдан бошланади.

2.Маънавият — кўнгил, дил бойлиги.

3.Маънавий бойлик меҳрдан иборатдир, китоб мутолаасидан, мустақил фикрлаб қиёслашдан бошланади.

4.Маънавий поклик—тўғриликдан, меҳр-мурувватликдан, ватанпарварликдан, умуминсоний ва миллий қадриятларга содиқлик ҳамда ривожланишдан, бошқа ибратли ишларни бажаришдан бошланади.

Таълим муассасаларида ёшларга маънавий-маърифий тарбиянинг самарадорлигини оширишда оила, маҳалла, таълим муассасалари ҳамкорликда ушбу тадбирларни амалга оширишлари мақсадга мувофиқдир.

1.Таълим муассасаларида миллий истиқлол ғояси, маънавият ва бошқа ўқитиладиган фанлардан айрим сўзларнинг мазмунини ёритувчи луғат тахтасини ташкил этиш ва талаба, ўқувчиларнинг ўзлари сўзларнинг мазмунини луғатлардан топиб, тахтага мунтазам ёзиб боришларини ташкил қилиш.

2.Таълим муассасаларида олиб борилаётган маънавий-маърифий ишларнинг фаол шакллари: таниқли санъаткорлар, ёзувчи-шоирлар, меҳнат фахрийлари ва бошқа халқ эътиборини қозонган кишилар билан учрашувлар, гуруҳлараро савол-жавоб кечалари, баҳслар, мунозаралар, мавзули кечаларни ўтказишдан кўпроқ фойдаланиш.

3.Ҳар бир талаба ва ўқувчининг бўш вақтини қандай ўтказишини ўрганиб бориш.

4.Ота-она фарзандини қайси фанларга, ҳунарларга қизиқишини ўрганяптимийўқми, имкон даражасида мутахассислар билан ҳамкорликни кучайтириши ва ҳоказо.

Афсуски, кўпчилик ота-оналар фарзандларининг нимага лаёқатли эканини ўрганиш ва ривожлантиришга имкон яратиш ўрнига, «Менинг айтганимни қиласан», «Менинг давримда ўйнаб, яйраб қол», «Бу ҳунарни ўрганиб нима қиласан, бу билан яхши пул топа олмайсан», «Сен танлаган соҳада ўқимайсан», «Мен айтган институтга кирасан», «Ўқишни йиғиштир, бозорга чиқ, ўқимишлиларни бир ойлигини бир кунда топасан», каби маслаҳатлари билан йўлдан қайтарадилар.

Баъзи ота-оналар фарзандларига ўзларидан қоладиган моддий меросга ишониб, уларни эркалаб, ёш бўлишига қарамай шахсий машина олиб берадилар. Бирор ишнинг бошини тутмасдан уйлантириб қўядилар, дангиллама уй-жой қуриб берадилар. Фарзанд эс-ҳушли, маънавиятли, илмли, ҳунарли бўлса, нур-устига нур, танбал, гиёванд, ишёқмас, «берсанг ейман, урсанг ўламан» тоифалардан бўлса, ота-она йиллаб йиққанини тезда совурадилар. Саъдий Шерозий айтганидек:

**Истар эсанг отангдан мерос,**
**Боғла отанг илмига ихлос.**
**Не нафи бор отанг бойлигин,**
**Бир кун тугатарсан неча ойлигин.**

Ўтган асрнинг бошларида яшаган жадидчиликнинг намояндаларидан, шоир Тавалло ўз шеърларида бола тарбиясига бепарво, фарзандининг замонавий илму-ҳунар олишига сусткаш, лоқайд, ё илму-ҳунарга маблағларини аяган ота-оналарни қаттиқ ҳажв қилган. Масалан «Бор сўзлар» шеърида:

**Юбормай мактаба ўғлин, маним**
**давримда юр ўйна.**
**Дебон кўр тарбиятни тескари**
**қилғон отамиз бор.**

Мазкур байтдан аёнки инсон ақли, тафаккури, маънавиятини ривожлантириш таълим-тарбияга кўп жиҳатдан боғлиқ. Замонавий илмсиз, ҳунарсиз тараққиёт ривожи бўлмайди.

Орадан қарийб бир аср ўтган бўлсада замондошларимиз орасида шундай «меҳрибон» оталар учраб туради.

Ҳозирги кунда айрим ота-оналар фарзандларининг тарбияси бузилишига таълим муассасаларидаги ўқитувчи, мураббийларни сабабчи деб биладилар. Бу фикрга қўшилиш қийин. Бирорта ўқитувчи, мураббий ўз шогирдига сен дангаса, гиёванд, ўғри, муттаҳам, безори, боқиманда бўл, деб ўргатармикан? Америкалик психолог Дейл Карнеги ҳар бир эс-ҳушли одам қуйидагиларни исташини таъкидлаб ўтади: саломатлик ва ҳаётнинг сақланиши, овқатни, уйқуни, пул ва унга сотиб олиш мумкин бўлган бойликни, жаннати бўлишни, оила қуриш, фарзандларининг ўзидан тинчиши, ўзининг қадрли бўлиши ёки обрў-эътиборли инсон бўлишини. Шундай экан инсонларнинг маънавиятли бўлиши муҳим экани аён бўлди.

Ота-оналар шуни тушунсалар яхши бўлардики, маънавиятли инсон ўзини ҳаром-харишдан тияди, меҳнат қилиб, ҳалол еб-ичади, ўз халқига хиёнат қилмайди, бировнинг бахтсизлиги ҳисобидан бахтли бўлишни ўзи учун лойиқ топмайди.

Комил инсон сифатлари, таълим-тарбия соҳасидаги инсоният эришган билимлари мужассамлаштирилса улар асосан: эзгу ният, ҳурфикрлик, эзгу сўз, хушмуомалалик, эзгу иш, эзгу фаолиятдан иборатлигини кўрамиз. Инсониятнинг камолга етишуви, тарихий тараққиётга улкан ҳисса қўшган улуғ аждодларимиз ҳаётига назар ташласак, улар фаолиятида шу уч сифат мужассамлигига амин бўламиз.

**Акром АКМАЛОВ,**
**Республика Маънавият тарғибот маркази бўлим мудири**

## МАЪНАВИЯТ — ҚАЛБ ҚУЁШИ

**МАЪНАВИЯТ, МАЪРИФАТ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАР ВА ТАЪЛИМОТЛАР ҲЕЧ ҚАЧОН ВА ҲЕЧ БИР МАМЛАКАТДА РИВОЖЛАНИШДАН ТЎХТАГАН ЭМАС, ТЎХТАМАЙДИ ҲАМ. ИНСОНИЯТНИНГ АҚЛ-ИДРОКИ, ТАФАККУРИ ҲАР ДОИМ РИВОЖЛАНИБ, ТАКОМИЛЛАШИБ, ЎТМИШ ДАВРЛАРГА НИСБАТАН БОЙИБ, ЮКСАЛИБ БОРАДИ. БУ ИНСОНИЯТНИНГ МАЪНАВИЙ, МАЪРИФИЙ, МАДАНИЙ ТАРАҚҚИЁТИГА ХОС БЎЛГАН ҚОНУНИЯТДИР.**

---

**ЯПОНИЯДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН «ДЭЙЛИ ЁМИУРИ» ВА «АСАХИ» ГАЗЕТАЛАРИДА МДҲ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ТАЛАБАЛАРИ ЎРТАСИДАГИ ЯПОН ТИЛИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБИ, ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ТАЛАБАСИ АСРОР МЎМИНОВ ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛУВЧИ МАҚОЛАЛАР БОСИЛИБ ЧИҚДИ. ЮРТДОШИМИЗ ЯҚИНДА КУНЧИҚАР МАМЛАКАТДА БЎЛИБ ҚАЙТГАН ЭДИ.**

## «НОРИКО» — ДЎСТЛИК КЎПРИГИ

Япон газеталарида ёзилишича, Токио ва Киото шаҳарларида ўзбекистонлик талаба билан турли учрашувлар бўлиб ўтди. Уларда юртдошимизнинг япон тилида эркин ва равон сўзлагани маҳаллий аҳоли вакилларининг қизиқиши ва ҳурматини янада оширди.

Японияга ҳар йили дунёнинг қатор мамлакатларидан турли дастурларнинг ғолиблари ва стипендиатлари сифатида кўплаб талабалар келишади. Бироқ уларнинг ҳаммаси ҳақида нуфузли газеталар саҳифаларида мақолалар чоп этилмаслиги тушунарли ҳолдир. Хўш, гап нимада ўзи, деган саволнинг туғилиши табиий.

Япон жамоатчилиги юртдошимизга алоҳида қизиқиш билдирганининг сабаби А.Мўминов Риштон шаҳридаги «Норико» япон мактабининг илк битирувчиларидан бири эканлиги билан изоҳланади. Мана етти йилдан бери «Норико» республикамизнинг Риштон тумани ва Япония ўртасидаги ўзига хос дўстлик кўприги вазифасини бажариб келади.

... Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида мамлакатимизда кенг миқёсли бунёдкорлик ишлари авжига чиққан кезлари республикамизга «Коматцу Сэйсакудзё» компанияси инженер-механиги Шигекацу Озаки келди. Табиатан самимий ва саховатли Шигекацу тезда маҳаллий аҳоли билан киришиб кетди.

У халқимизнинг урф-одат ва анъаналарини қизиқиш билан ўрганиб, мактабларда маърузалар ўқиб юрган пайти маҳаллий ўқувчиларда япон тили ва маданиятини ўрганишга бўлган қизиқишни кўриб, Риштонда япон тили мактабини қуришга қарор қилди. Шигекацу рафиқаси билан бу мақсад йўлида ўзларининг ҳисобидан 30 минг АҚШ доллари сарфлашди.

1999 йили фойдаланишга топширилган бу янги мактабга Шигекацу Озакининг рафиқаси шарафига «Норико» номи берилган, 2001 йили Ўзбекистон ва Япония ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаси учун Шигекацу Озаки Риштон шаҳрининг фахрий фуқароси унвонига сазовор бўлган эди.

Шу тариқа япониялик камтарин инженер ўзидан бабаҳо ёдгорлик — «Норико» мактабини қолдирди. Шу кунга қадар ўнлаб ўзбек ўғил-қизлари икки мамлакат халқлари ўртасидаги дўстлик кўприги бўлиб қолган бу мактабни битириб чиқдилар.

«...Асрор Мўминов Японияга келганидан сўнг Норико Озаки билан учрашди. Устоз ва шогирд ўртасидаги илиқ ва самимий суҳбат чоғида Асрор Японияда ўқишни давом эттириш, туғилиб ўсган мамлакати ривожига ўзининг камтарин ҳиссасини қўшиш ниятида эканини айтди», деб ёзади нашр.

**А.ҚЎЧҚОРОВ,**
**«Жаҳон» АА мухбири**
**Токио**

---

*Мулоҳаза*

## КОМИЛЛИККА ИНТИЛАЙЛИК

**ДУНЁДА ИККИ ЮЗДАН ОРТИҚ ДАВЛАТ БЎЛСА, ШУБҲАСИЗ, УЛАРДАН ҲЕЧ БИРИ «БИЗГА ЭКСТРЕМИЗМ ХАВФ СОЛА ОЛМАЙДИ» ДЕБ АЙТОЛМАЙДИ. ЧУНКИ ЭКСТРЕМИЗМ — АСР ФОЖИАСИДИР.**

Дарҳақиқат, экстремизм ҳудуд, миллат ва давлат танламайди. Ўзининг қора ниятини амалга ошириш йўлида ҳеч нарсадан тап тортмайди.

Ҳар куни оммавий ахборот воситалари орқали турли ерларда бирор бир қўпорувчилик ҳаракати амалга оширилганлигини эшитамиз ёки кўрамиз. Бу кулфатлар ортида ёвуз ниятли қора кучлар тургани ҳаммамизга кундек равшан. Бу кучлар инсоният бошига бало-офатларни солаётганларни қўллаб-қувватлаб, молиявий рағбатлантирмоқдалар. Ва шу билан бирга ўзларининг қора ниятларини амалга оширмоқчи бўладилар. Ана шундай нопок кишиларнинг қилмишлари туфайли бугунги кунда дунё экстремизм, терроризм хавфи остида қолмоқда.

Лекин бу ақли ноқис кишилар билмайдиларки ҳеч бир замонда дунёни ёвузлик билан бошқариб бўлмаган. Қани энди ёмонликка сарфланаётган маблағлар иқтисодий ночор ёки энди ривожланаётган давлатларга моддий, беғараз ёрдам сифатида берилса ё бўлмаса, Халқаро фонд ташкил қилиниб, кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатилса, бунданда олижаноблик бўлмаса керак.

Шундагина биз экстремизм, терроризм хавфи остида яшамасмидик. Чунки ҳар бир инсон ақлий равишда ривожланса, бир-бирига дўст-биродар, ака-ука, опа-сингилдек қараса, шундагина инсоният бу фожианинг олдини олган бўларди.

Шундай экан бундай воқеаларнинг олдини олиш ўз қўлимизда эканлигини, айниқса бу борада биз ёшлар фаол, ҳуқуқий саводхон, жисмонан соғлом бўлиб комилликка интилишимиз даркорлигини тушунишимиз керак. Токи яхши-ёмонни ҳар биримиз аввало ўзимиз ажратайлик ва бошқаларни ҳам яхшилик сари бошлайлик. Нима бўлганда ҳам дунёдаги энг олий зот — инсон эканлигимизни унутмайлик.

**Феруз ХОЛМИРЗАЕВ,**
**Ўзбекистон Миллий университети талабаси**

---

## БИРИНЧИ ҚАДАМ

**МАКТАБГА ИЛК ҚАДАМ ҚЎЙГАН БОЛАЖОННИНГ САВОЛЛАРИ БИР ДУНЁ. У БОШЧАСИНИ ЭГИБ ОЛИБ, ҚЎЛЧАЛАРИ ҚАЛТИРАБ, МАШАҚҚАТ БИЛАН БИРГИНА ҲАРФНИ ЁЗАДИ. ҲАММА ХАВОТИРЛАРНИНГ, МАШҒУЛОТЛАРНИНГ ЧАРЧОҒИНИ ДАФТАРЧАСИ ЧЕТИГА ҚИЗИЛ СИЁҲДА ҚЎЙИЛГАН «5» БАҲОСИ ЧИҚАРИБ ЮБОРАДИ. КУНИГА БИЗ КАТТАЛАР ҲАМ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ БИЛАН ҲАМНАФАС АЪЛО БАҲО САРИ МЕҲНАТ ҚИЛАМИЗ, ЎРГАНАМИЗ, ҲАРФЛАР ЁЗИБ, ШАКЛЛАР БЎЯЙМИЗ.**

— Болалар билан бирга дарс тайёрлашга вақт топиш керак. Улар билан бирга расм чизинг, бўянг. Ҳарфларни ёзинг. Сиз ота-оналар озгина фарзандингиз билан шуғуллансангиз, эртасига болангиз келиб, дадил бўлади. Ўзига ёрдам берган дада ва ойиси билан фахрланиб юришади, — дейди Собир Раҳимов туманидаги 191-ўрта мактабнинг бошланғич синф ўқитувчиси Надежда Гаффарова. — Оила ва мактаб ўртасидаги кўприкчамиз бақувват ва мустаҳкам бўлиши учун ўқитувчининг биринчи кўмакчиси ота-она бўлиши керак. Бошланғич синфдаги таълим-тарбия боланинг ҳаётига тошга ёзилгандек муҳрланиб қолади.

Мактаб директори Галина Кариаухова билан суҳбатимиз ҳам шу мавзуда бўлди.

— Агар хатингиз чиройли бўлса уни кўрган одам «ёзувингиз чиройли экан», — дейди. Шунда сиз бошланғич синф ўқитувчимиз чиройли ёздирган, дея фахрланасиз, —дея сўз бошлади суҳбатдошимиз. — Ўтмишингга айланадиган биринчи қадам шу қадар муҳим. У ҳамиша мукаммал ва пухта бўлмоғи керак. 45 йиллик педагогик фаолиятим давомида билганим шу бўлди: муаллим қўлига инсон тақдири берилади. Бу гапни ёш ўқитувчиларга кунда такрорлашдан чарчамайман. Айни кунда 170 нафар болакайлар дунёга бизнинг мактаб деразаларидан нигоҳ ташлаб, оламни, одамларни танимоқдалар. Устоз деган камтар, машаққатли номни 53 нафар ўқитувчи ўзига шараф деб билиб, ҳаётларини болаларга бағишлаб юришибди.

Суҳбатимиз ўша бизга таниш, қадрдон, лекин бироз узоқлашган қўнғироқ овозидан ва болалар шовқинидан бўлинди.

Самимий фикрларга миннатдорчилик билдириб билим масканини тарк этдик. Йўлда эса болаларни саф қилиб хайрлашаётган Надежда Гаффаровага кўзимиз тушди. Устоз кимнингдир қўлидан тутди. Кимнингдир сумкасини кўтарди, қайсидир болакайни ўртоқларига етиб олишга чақирди.

Биз 32 нафар келажак ғунчасининг катта ҳаёт йўлига биринчи қадамларини ташлатган, болаликнинг беғубор дунёсига гўзал қалб, илму ҳикмат билан кириб келган заҳматкаш устозга туганмас соғлиқ, омад ва савоб ишлардан асло толмасликни тиладик.

**Маҳлиё МИРСОАТОВА**

---

*Иқтисодиёт*

## ҲИССАЛАРИ САЛМОҚЛИ

**КЕЙИНГИ ЙИЛЛАРДА ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИГА ХОРИЖИЙ САРМОЯДОРЛАР ҚЎШАЁТГАН ҲИССА ҲАМ САЛМОҚЛИ ЎРИН ЭГАЛЛАМОҚДА. ДАВЛАТИМИЗ ТОМОНИДАН УЛАРГА ЯРАТИЛАЁТГАН ЕТАРЛИ ШАРТ-ШАРОИТЛАР ҲАМДА ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТЛАР БУ БОРАДА МУҲИМ ЎРИН ТУТМОҚДА.**

2005 йилда ўз фаолиятини бошлаган «ARGE FASION» хорижий корхонасида туркиялик ишбилармонлар саъй-ҳаракатлари туфайли 200 нафарга яқин маҳаллий ёшлар меҳнат қилмоқда. Замон талабларига кўра корхона цехларида — Германия, Франция ҳамда Туркия давлатларининг жаҳонга машҳур компанияларида ишлаб чиқарилган юксак самарали линия, дастгоҳ ва ускуналар ўрнатилган бўлиб, улар жамоа аҳлига ҳақиқий мададкор бўлмоқда.

Эътиборли томони, мазкур хорижий корхона бозор талабларига тўла жавоб берадиган сифатли, трикотаж матодан чиройли дизайндаги бежирим, кўркам ва чидамли маҳсулотлар: ёрқин ранглардаги спорт костюмлари, футболка, майкаларни эркак, аёл ҳамда болажонларимиз учун тикиб чиқармоқда. Қувонарлиси, ушбу харидоргир 12 турдаги маҳсулотлар нафақат республикамиз истеъмолчилари талабини қондиради, балки чет элларга ҳам экспорт қилиниши кўзда тутилган.

Корхонанинг изланувчан тадбиркорлари жорий йилда ҳам сифатли, импорт ўрнини босувчи маҳсулотларнинг кўплаб янги моделини яратиш устида қизғин иш олиб боришмоқда.

## ЎЗ ЎРНИГА ЭГА

**ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ ТИЗИМИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТ-МАТБАА ИЖОДИЙ УЙИ УЗОҚ ЙИЛЛАР ДАВОМИДА МАТБААЧИЛИК СОҲАСИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН КОРХОНАЛАР ОРАСИДА МУНОСИБ ЎРИНГА ЭГА.**

Замон билан ҳамқадам одимлаётган корхона тадбиркорлари кейинги йилларда цехларни модернизация қилишга эришишди, яъни цехларда замонавий, хорижий, юксак унумли техника, машина, дастгоҳ ва ускуналар ўрнатилганлиги—уларнинг аксарияти компьютерлаштирилганлиги боис ҳам буюртмалар сифатли, ўз муддатларида бажарилишига замин яратилди, натижада эса йилдан-йилга мижозлари сафи кенгайиб бормоқда.

Ҳозирда жамоа аҳли Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари, Қонунлар, ҳукумат қарорлари, бошқа кўплаб расмий материаллар, меъёрий ҳужжатлар, жумладан, «Ўзбек миллий энциклопедияси»нинг барча жилдларини нашрга тайёрлаб, чоп этмоқда. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқшуносликка оид адабиётлар, ўзбек ва юртимиздаги қардош халқлар тилларида ўқув дарсликлари, ўқув-услубий қўлланмалар, газета-журналлар, кўпгина турдаги матбаа маҳсулотлари тайёрланади.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

---

*Китоб—офтоб*

## ИЛМ ЁҒДУСИДАН БЕБАҲРА ҚОЛМАНГ

**ҚАДИМ ҚАДИМДАН ИЛМЛИ КИШИЛАР ҚАДРЛАНИБ, ЎЗГАЧА МЕҲР, ЭЪТИБОР КЎРСАТИЛИБ КЕЛИНГАН. КИТОБ МУТОЛААСИГА БЕРИЛГАН ЁШЛАРГА ЭСА «МУЛЛА ЙИГИТ», «ДОМЛА» ДЕЯ ФАХР БИЛАН ҚАРАШГАН. БУГУНГИ КУНДА ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИНГ ИЛМЛИ, ЗИЁЛИ БЎЛИБ ВОЯГА ЕТИШЛАРИ УЧУН БАРЧА ШАРТ-ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛМОҚДА. ҚИСҚА ФУРСАТЛАРДА ҚАД РОСТЛАЁТГАН ЎҚУВ МАСКАНЛАРИ, КУТУБХОНА ВА ТУРЛИ МАРКАЗЛАР ШУЛАР ЖУМЛАСИДАНДИР.**

Узоққа бориб ўтиришнинг ҳожати йўқ.

Республикамизда етакчи нашриёт корхонаси «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг "Шарқ зиёкори" очиқ акциядорлик жамиятига қарашли, замонавий қиёфа касб этиб тўлиқ таъмирдан чиқарилган китоблар марказининг иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

Маънавий камолот пиллапояларидан кўтарилишда энг муҳим омил вазифасини ўтовчи китоблар ҳақида ҳар қанча гапирмайлик барибир озлик қилади. Биз ушбу китоб марказини айланар эканмиз ҳар бир соҳа учун алоҳида бўлимлар жорий этилиб, китобсеварлар учун жуда яхши қулайлик яратилганлигини кўрдик.

— Бутун республикамизда марказимизнинг филиаллари фаолият кўрсатиб келмоқда. Барча йирик нашриётлар, хусусан «Чўлпон», «Ўқитувчи», «Янги аср авлоди» каби нашриётлар билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Россиянинг "Феникс» китоб савдоси билан шуғулланувчи фирмаси билан ҳам ҳамкорлик шартномаларини тузиб, ҳозирги кунгача турли соҳага оид кўплаб номдаги китобларни олиб келдик, — дейди биз билан суҳбатда "Шарқ зиёкори" очиқ акциядорлик жамиятининг адабий-бадиий нашр ишлари бўйича бўлим муҳаррири Носиржон Тошматов. — Фаолиятимиз давомида қатор хайрли мақсадларни кўзлаб иш олиб борамиз. Яъни, илм-маърифат ёғдуси бўлган китоб савдоси тизимини ривожлантириш, қадрини кўтариш, шунингдек адиблар, ёзувчилар, ижод аҳлининг ўқувчилар билан кенг мулоқотини уюштириш, янги китоблар тақдимотини марказда ўтказиш, "Ижодкор — ўқувчи—китоб" шиори остида учрашувлар ташкил этишга эътиборни қаратганмиз. Ҳозирда шаҳримиз бозорларида ҳам кўчма савдо дўконлари иш бошлаган. Ахир ота-боболаримиз китобни ҳаёт манбаи бўлган нон ва сув каби эъзозлашган, қадрлашган,фарзандларига ҳам асраб-авайла, деб уқтиришган. Биз ҳам ота-боболаримиз ўгитини ёдга олиб унга амал қилсак нур устига аъло нур бўларди.

Айтиб ўтиш жоизки ушбу марказда беш мингдан ортиқ номдаги китоблар савдога қўйилган. Хусусан, бадиий, ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий, шунингдек таълим муассасалари ўқувчилари ва талабалар учун дарсликлар ва ўқув адабиётларини ҳам ўз ичига олган. Бир сўз билан айтганда, ҳар қандай зукко китобхоннинг дидига, эҳтиёжига монанд китоблар оламидан ўзингизга маъқулини топа оласиз деб ишонамиз.

Кейинги вақтларда негадир китобга қизиқиш, айниқса ёшлар ўртасида, бироз сусайгандек. Кўпроқ вақтимиз компьютерлар олдида, интернет олами, ҳар хил ўйинлар билан ўтиб кетаётгандек. Биз катталар, ота-оналар бир нарсага қаттиқ эътиборимизни қаратайлик: ахир китобни қўлига олмаган бола эртамиз учун масъул бўла оладими? Маънавий юксаклик учун бугун биз: ота-она, устоз-мураббийлар ҳаракат қилишимиз керак, токи фарзандларимиз илм ёғдусидан бебаҳра бўлмасинлар.

Дарҳақиқат, китоб — офтоб, қалбларга илиқ бир нур олиб кирувчи олтин маёқ. Уни қанча ўқисак, ўргансак ҳазрати инсон эканлигимизни чуқурроқ тушуниб бораверамиз. Бу йўлдан ҳеч биримиз четда қолмайлик, азизлар.

**Азиза МУҲАМЕДОВА**

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

# МАШРИҚЗАМИН— ҲИКМАТ БЎСТОНИ

**Зулм анинг кўнглига марғуб ва фисқ анинг хотирига маҳбуб,**
**Мулк бузуғлиғидин замирига жамият ва улус паришонлигидин хотирига амният (подшоҳлар ҳақида).**

Зулм қилиш бундай подшоҳнинг кўнглига ёқади, ёмон маишат унинг учун севиклидир. Мамлакатнинг хароб бўлиши бундай подшоҳни тинчитади. Халқнинг тўзиб кетиши бундай подшоҳнинг дилини тинч тутади.

**Заррадин минг қатла камраккким, қуёшлик урса лоф,**
**Кимки бўлса зарра ақли, билуркимҳ дер газоф.**

Заррадан минг марта камроқ бўлган киши қуёшман деб лоф урса, заррача ақли бор киши унинг ёлғон айтаётганини билади.

Захмат била топқонингни ўзунгдин аяма ва меҳнат била йиққанингни дўстлар била душманлар учун асрама.

* * *

**Захрнинг оз эса микдори доғи муҳликдур,**
**Игнанинг нўги заиф эрса доғи кўр қилур.**

Захарнинг озгинаси ҳам ҳалокатли, игнанинг учи заиф бўлса ҳам, кўзни кўр қилади.

**Зевар била шакли хўб бўлмас,**
**Ҳар қизки, эрур ёмон лиқолиғ.**

Қизнинг ўзи хунук бўлса, зебу зийнат билан чиройли бўлиб қолмайди.

**Зуҳду тақво барча вақтда дилписанддур,**
**йигитликда дилписандроқ.**

Тоат-ибодат ҳамиша яхши, айниқса ёшликда.

**Зуҳал бийик мақом била меҳри хаварий бўлмас, дев биҳишт ҳулласин кийган била пари бўлмас.**

Ҳар қанча юксакда бўлмасин, Зуҳал (Сатурн)қуёш бўлмас, энг чиройли либосларни кийган билан дев парига айланмас.

**Зарраға юз минг қуёш моҳиятин билмак не ҳад.**

* * *

**Зуҳдунга мағрур ўлуб, кўп қилма исёнимни таън,**
**Не учун, эй шайхким, билмас киши анжомни.**

Эй шайх, тоат-ибодатингга мағрур бўлиб, менинг исёнкорлигимни таъна қилма, чунки бандаси ишнинг оқибати қандай бўлишини билмайди.

**Зулмати куфр ичра элга нури иймондур даво.**

Куфр зулматида одамларга иймон нури даво бўлади.

**...замон ҳосид эрур, аҳли замон ҳам.**

Замон ҳам, замон одамлари ҳам ҳасадгўйдир.

**Замона аҳлиға гар юз қуёшча кўргузубсен меҳр,**
**Вафо зинҳорким, бир зарра чоғлиғ эътимод этма.**

Одамларга юз қуёшчалик меҳрибонлик кўрсатсанг ҳам, улардан заррача оқибат кутма.

**Замона аҳлики, давлат чоғи қулунгдурлар.**

* * *

**Золимки, шиор этти жафо поясини,**
**Ўз воясин истаб, олди эл воясини,**
**Қайдин топқай ҳаёт сармоясини,**
**Ҳақ айлади қисқа умрин соясини.**

Жафо етказишни шиор қилиб олган золим ўз фойдасини кўзлаб, одамларнинг ҳаққини тортиб олади. Бундай киши узоқ яшамайди—Ҳақнинг ўзи золим умрининг соясини қисқа қилади.

**Ошноён он қадар ранжу алам дидам, ки нест**
**Майли он акнун, ки бо худ низ бошам ошно.**
**Дил харошу жон ано бинад аз эшон гўиё,**
**Ҳаст як нисф аз хароши дил, дигар нисф аз ано.**

Дўстлардан шу қадар дарду алам кўрдимки, энди ҳатто ўз-ўзим билан дўстлашишдан ҳам юрагим безиллаб қолди. Улардан кўнглимга озору жонимга азоб етади, гўё уларнинг бир қисми дилга озор берувчию, бир қисми жоним азобга қўювчи.

**Зи сар то по набошад шеъри кас хуб,**
**Ки ин мумкин набошад ҳеч касро.**
**Баду нек ар баробар ҳаст, бад нест,**
**Басе доранд ин неку ҳавасро.**
**Зи бад гар неки ў бошад зиёда,**
**Надид аз сад яке ин дастрасро.**
**Каломи Ҳақ наёмад жумла яксон,**
**Чи бошад нуқта мушти хору хасро.**

Ҳеч кимнинг шеъри бошдан-оёқ бир хилда яхши бўлмайди — бу деярли мумкин эмас. Агар яхшию ёмони баробар бўлса, бу — ёмон эмас, буни кўпчилик орзу қилади. Ёмонидан яхшисининг кўп бўлиши юздан бир шоирга ҳам муяссар бўлган эмас. Ҳақнингки, барча сўзи бир хил бўлмагандан кейин биздек хору хасларга тенгликни ким қўйибди?

**Зулм ўзунга фисқдур, эй хушёр,**
**Гум қил ани, бўлса санга хуш ёр.**

Эй эс-ҳушли киши, зулмнинг оқибати ўзингга ёмон, шунинг учун эс-ҳушинг бўлса, зулмдан воз кеч.

**Зеб ила турфа ҳаргиз ўлмас уй,**
**Бўлмаса анда турфа кадбону.**

Яхши бека бўлмаса, уй ҳар қанча зеб-зийнат билан файзли бўлмайди.

**Зинҳорки, зулм риштасини уз,**
**Инсоф ила адл қасрини туз.**

* * *

**Зулмунг эрур кундузу фисқинг кеча,**
**Зулм ила фисқинг неча бўлғой, неча?**

Кундузи ишинг зулму кечаси гуноҳ. Бу зулму гуноҳ қачонгача давом этади?

Золим кишининг оқибати хайр ўлмас.

Итдин кийикка ва мушукдин кабутарга шафқат маҳолдур.

**Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган**

---

**ПОЙТАХТДАГИ В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ МАРКАЗИДА ИТАЛИЯЛИК МУТАХАССИСЛАР ТОМОНИДАН КАРДИОХИРУРГИК ОПЕРАЦИЯЛАР АМАЛГА ОШИРИЛДИ. БИР ҲАФТА ДАВОМИДА ИТАЛИЯНИНГ ЕТАКЧИ ШИФОКОРЛАРИ ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҲАМКАСБЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ТАЖРИБА АЛМАШИШДИ.**

# ОПЕРАЦИЯЛАР МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТДИ

Табиийки юрак операцияси энг мураккаб ҳисобланади. Ҳар бир лаҳзаси инсон тақдирини ҳал этувчи бундай операцияларнинг самарали чиқиши аввалambор шифокорнинг малакаси ва маҳоратига бевосита боғлиқ. Италиялик шифокорлар билан ўзаро ҳамкорликдан кўзланган мақсад ҳам тажриба алмашиш орқали мутахассисларнинг билимини оширишга қаратилган.

Италиянинг бирлашган Бергам касалхонаси юрак жарроҳлиги бўлими 40 йиллик тажрибага эга бўлиб, ўтган давр мобайнида шифохонада 25 мингдан ортиқ операциялар муваффақиятли амалга оширилган. Мана шу нуфузли шифохонанинг етти нафар етук мутахассислари етти кун давомида ўзбекистонлик касбдошлари билан ҳамкорликда ўндан зиёд мураккаб жарроҳлик операцияларини амалга оширишди.

—Мамлакатингиздаги жаҳон талабларига мос тиббий жиҳозлар билан таъминланган, малакали мутахассисларга эга бўлган шифохона ходимлари билан ҳамкорликда иш олиб бораётганимиздан жуда мамнунмиз,— деди делегация раҳбари Паоло Ферраци. — Бу ердаги шифокорларнинг тажрибали эканлиги биргаликдаги операциялар жараёнида яққол сезилди. Ўйлайманки, бу ҳамкорлик ҳар иккала томон учун ўзига хос мактаб вазифасини ўтайди.

Паоло Ферраццининг таъкидлашича, жорий йилда Италиянинг Бирлашган Бергам касалхонасида ўзбекистонлик мутахассислар билан ҳамкорликда юрак хасталиги билан боғлиқ бир қатор операцияларни ўтказиш режалаштирилган.

Айтиш жоизки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Италия республикаси билан ҳамкорликни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига кўра соғлиқни сақлаш соҳасида хусусан жарроҳлик, тез тиббий ёрдам, онкология, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича икки томонлама ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича бир қанча тадбирлар ишлаб чиқилган. Мазкур ҳамкорлик ҳам икки давлат шифокорларининг ўзаро тажриба алмашиши ва бу билан халқ саломатлигини сақлаш, тез тиббий хизмат кўрсатиш сифатини янада яхшилаш имконини беради.

**Алоуддин ҒАФФОРОВ,**
**"Туркистон-пресс"**

---

# БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИ БОҒЛОВЧИ МАСКАН

**ШАҲРИМИЗДА ҚУРИЛИШ ЛОЙИҲАСИНИНГ ҒАРОЙИБЛИГИ, ҲАШАМАТЛИЛИГИ, МАҲОБАТЛИ ВА КЎРКАМЛИГИ БИЛАН АЖРАЛИБ ТУРАДИГАН АЖОЙИБ БИР БИНО МАВЖУД. БУ ЎЗБЕКИСТОН, ЯПОНИЯ ВА БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ БОШҚА МАМЛАКАТЛАРИ БИЛАН ШУҒУЛЛАНУВЧИ ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-ТАЪЛИМИЙ ВА МАЪРИФИЙ МАРКАЗ, ЯЪНИ ИКУО ХИРАЯМА НОМИДАГИ ХАЛҚАРО МАДАНИЯТ КАРВОН САРОЙИДИР. БУ ЕРДА ТУРЛИ ХИЛ КЎРГАЗМАЛАР, ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНЛАР, ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМЛАР ҲАМ ЎТКАЗИЛИБ ТУРИЛАДИ.**





Халқаро маданият карвон саройини ташкил этиш фикри илк бор 1999 йилда япониялик машҳур рассом, Токио мусиқа ва нафис санъат миллий университети ректори Икуо Хираяма ва Ўзбекистон Бадиий Академияси раиси Турсунали Қўзиевнинг ўзаро учрашувида юзага келди. Ва ушбу ташаббус Юртбошимиз томонидан қўллаб-қувватланиб, 2001-2003 йилларда Икуо Хираяма номидаги Халқаро маданият карвон саройининг қурилиш жараёнида ҳаётга татбиқ этилди.

— Карвон саройимизнинг асосий фаолияти,—дейди унинг директори Фаррух Усмонов, — чет эл жамоатчилигининг, тарих, археология, этнография ва санъат соҳаларидаги билимларини юқори поғонага кўтариш, Ўзбекистоннинг жаҳоннинг маданий ва илмий ҳамжамиятига интеграллашуви жараёнларини жадаллаштиришдан иборат. Шунингдек, симпозиум, анжуман, семинар ва маърузаларни ташкил этиш, чет эл мутахассислари билан ҳамкорликда археологик ва этнографик экспедицияларни йўлга қўйиш, Буюк Ипак йўли масалалари билан шуғулланувчи халқаро тадқиқот институтлари билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ёшларни илмий-тадқиқот ва реставрация ишларига жалб этиш, кутубхона ва музей фондларини шакллантириш, ОАВ учун таҳлилий, илмий мақолалар ва ҳужжатларни тайёрлаш, республика ва халқаро миқёсда тасвирий, миллий, ижодий кечалар, давра суҳбатлари, тантанали тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишдан иборатдир.

Токио Мусиқа ва нафис санъат миллий университети ректори, буюк рассом Икуо Хираяма халқаро маданият карвон саройи ҳақида шундай деган эди. «Маданиятнинг карвон саройи—орзуларнинг рўёбга чиқиши.. Мен бу маданий марказининг Буюк Ипак йўлини жаҳонда тушуниш ва қўллаб-қувватлаш туйғуларининг шаклланишига олиб келади, деган умиддаман. Карвон сарой шарқ ва ғарбни боғловчи йирик бир марказга айланди».

Яна шуни алоҳида таъкидлаш кераkки, мазкур маскан кулолчилик ва нодир буюмлар кўргазмаси томонидан уюштирилган археологик-этнографик экспедициялар орқали ҳам илмий ва чет эл анъанавий санъати мактаблари асарлари билан доимо бойитилиб келинмоқда. Коллекция тўплами асосини Ўзбекистоннинг қадимий ўрта аср, анъанавий ва замонавий ёдгорликлари, кулолчилик буюмлари, ойна ва металлдан ясалган буюмлар ташкил этади. Шунингдек, бу ерда корейс рассомларининг халқ рассомлик санъати тўпламини ҳам кўриш мумкин. Интернет орқали эса халқаро маданий ва ахборот алмашиш жараёнларининг ўтказилишига ҳисса қўшиб бир қатор нашриётлар билан боғлиқ ишлар ҳам уддасидан чиқилмоқда. Ва шулар асосида бадиий альбомлар, китоблар, услубий қўлланмалар, буклетлар, плакатлар, монографиялар нашр этилмоқда.



Маданият халқаро карвон саройи иккита бинода жойлашган. Биноларнинг архитектура кўринишида анъаналар ва замонамизнинг узвий боғланиши яққол кўзга ташланмоқда ва ўтмишдаги карвон саройларни эслатади. Бинонинг А корпусида маъмурий хоналар, музокаралар, учрашувлар, давра суҳбатлари ўтказишга мўлжалланган конференц зал ҳамда ўз ичига Буюк Ипак йўли тарихига доир уч мингдан зиёд китоб, альбом ва журналларни қамраб олган кутубхона мавжуд. Б корпусида эса халқаро, республика ва концептуал кўргазмалар зали жойлашган. Бундан ташқари мазкур корпусда иккита музей зали мавжуд бўлиб, уларда Буюк Ипак йўлининг ноёб кулолчилик асарлари тўплами жойлаштирилган. Шу ернинг ўзида қайта тиклаш хонаси, лаборатория ҳамда илмий ижодий устахоналар ҳам мавжуд.

Маданият халқаро карвон саройи ҳудудидаги мўъжазгина боғда эса турли хил дарахтлар, сарв, сакура ва қарағайлар кўкармоқда. Уларни машҳур чет эл давлат арбоблари, ҳукумат делегациялари раҳбарлари ва Тошкентдаги дипломатик миссиялар вакиллари ўз қўллари билан ўтқазганлар. Бу гўзал ва мўъжазгина боғ мазкур саройнинг жозибаси ва кўркини янада очиб турибди.

Шаҳримизда қад ростлаб турган бу маънавий-маърифий, илмий, таълимий санъат маркази Япония ва Ўзбекистонни бутун Шарқ ва Ғарб давлатларининг маданияти ва санъати билан боғлаб турувчи ягона маскандир.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТЛАРДА: Икуо Хираяма номидаги халқаро маданият карвон саройи ҳаётидан лавҳалар.**

---

*Ҳукм ўқилди*

# ТАЪМАГИР ТЎРГА ТУШДИ

**ИНСОННИ ҚУСУРЛИ ҚИЛИБ КЎРСАТАДИГАН ТОМОНЛАРИДАН БИРИ—ТАЪМАГИРЛИК ҲИСОБЛАНАДИ. ТАЪМА ИНСОННИ ЖИСМОНАН МАЖРУҲ, РУҲАН ТУБАН ҚИЛИБ ҚЎЯДИ. УНИНГ ТУЗОҒИГА ИЛИНГАНЛАРНИ МУҚАРРАР ЖАЗО КУТАДИ. ТОШКЕНТ ШАҲАР ИИББ ТЕРГОВ БОШҚАРМАСИ ТЕРГОВЧИСИ СОБИР ВАЛИЕВ (ИСМИ-ШАРИФИ ЎЗГАРТИРИЛДИ) АНА ШУЛАРНИ БИЛА ТУРИБ ТАЪМА ТУЗОҒИГА ИЛИНДИ. ЭҲТИМОЛ У ҚАДАМИНИ БИЛИБ БОСГАНИДА БУГУН ПАНЖАРА ОРТИДА ЎТИРМАГАН, ҚОНУН ҲИМОЯЧИСИ БЎЛА ТУРИБ НОМИ ЁМОНОТЛИҚҚА ЧИҚМАГАН БЎЛАРДИ.**

...Раҳбар унга навбатдаги тергов жараёнини олиб бориш юзасидан топшириқ берди-ю, у ич-ичидан қувонди: «Шояд, биронтаси тўрга илинса». Халқимизда айби борнинг оёғи қалтирайди, деган нақл бор. Ш.Сулаймонов дастлабки тергов пайтидаёқ ўзини йўқотиб, аъзойи баданини қора тер қоплаб олди. Собирга айнан шу керак эди. У пайтдан фойдаланиб муддаога ўтди.

—Агар келишадиган бўлсак сизга қўлланаётган жазо турини енгиллаштирамиз, ака!

Терговчининг гапидан сўнг Ш.Сулаймоновнинг вужудига илиқлик югурди.

—Яхши бўларди. Тортинмасдан гапираверинг...

Ўша куни улар тергов хонасида ўзаро жиноий тил бириктиришди. Унга кўра ЖКнинг 168-моддаси, 3-қисмининг «а» банди билан айбланаётган Ш.Сулаймонов 10.000 АҚШ долларини пора сифатида бериши эвазига муносиб хулқ-атворда бўлиш эҳтиёт чорасини қўллаган ҳолда очиққа чиқариладиган бўлди. Терговчи уни вақтинча ушлаб туриш муассасасидан озод қилиш ҳақида қарор чиқаради.

Орадан кўп ўтмай Ш.Сулаймоновнинг акаси терговчи С.Валиевга 8.000 АҚШ долларини (Марказий банкнинг расмий курси бўйича 9.833.680 сўмни ташкил этади) укасини озодликка чиқаргани учун пора сифатида беради. Бироқ С.Валиев тахлам-тахлам долларнинг чўғи бироз камлигини сезгач таажжуби ортади.

—Бироз камга ўхшайди-ку?!—дейди у норози оҳангда.

Терговчининг гаплари Ш.Сулаймоновнинг акасида хавотир уйғотади. Ахир у яна жиноят ишини қўзғатиши, иш баттар чигаллашиб кетиши мумкин эди. Шу боис у терговчини тинчлантиришга уринади ва:

—Озроқ сабр қилинг, ака. Тез кунларда қолган 2.000 долларни ҳам қўлингизга тутқазаман,—дейишдан ўзга чора топа олмайди.

Халқимизда кўза кунда эмас кунида синади, деган нақл бор. С.Валиев айни жиноят устида—А.Сулаймоновдан 2.000 АҚШ долларини санаб олаётган пайтда Миллий хавфсизлик хизмати ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар томонидан қўлга олинди.

Арининг заҳрини билмаган одам болнинг таъмини қаердан билсин. Озодликда юриш қадрини билмаган С.Валиев панжара ортида туриб, одил судлов олдида ўз қилмишлари учун жавоб берди. Ушбу жиноят билан боғлиқ тафсилотлар жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судида А.Жўрабоев котиблигида, халқ маслаҳатчилари Б.Тўхтаев, М.Нурматовалар, Тошкент шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Б.Нурматов, адвокат А.Аюбжоновлар иштирокида кўриб чиқилди ва жиноятчига нисбатан ЖКнинг 210-моддаси,3-қисмининг «а», «б» бандлари қўлланилиб, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Жазонинг умумий тартибли колонияларда ўталиши белгилаб қўйилди.

**Саодат МИРСАГАТОВА,**
**жиноят ишлари бўйича**
**Тошкент шаҳар суди судьяси.**
**Ҳидирали ПАНЖИЕВ,**
**журналист**

---

**ШАҲРИМИЗДА СУЗИШ БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛАЁТГАН МАМЛАКАТ ҚИШКИ ЧЕМПИОНАТИНИНГ ФИНАЛ БОСҚИЧИ ПОЙТАХТЛИКЛАРГА ОМАД КЕЛТИРДИ.**

*Сузиш*

# МЕДАЛЛАР ШОДАСИ КЎПАЙМОҚДА

Шу кунгача ўтказилган мусобақалар якунига кўра шаҳримиз вакилларидан Олег Ляшко 50 ва 100 метрга баттерфляй усулида, Сергей Паньков 50 ва 200 метрга чалқанча сузишда рақибларидан ўзиб кетиб шоҳсупа тўридан жой эгаллашди.

Андижонлик Раъно Омоновага 400 ва 1500 метр масофага эркин усулда сузишда ҳеч ким тенг келолмади. Шу кунгача Тамила Габдураҳмонова, Иван Демьяненко, Анна Фомина, Тимур Эргашев, Лутфия Муҳаммедшина, Ольга Гнедовская, Комила Алимова, Мафтуна Тўхтасинова, Петр Ромашкин, Амил Содиқовлар ҳам олтин медаллар эгасига айланишди.

**Акбар ЙЎЛДОШЕВ**

---

*Мунажжим башорати*

# СУСТКАШЛИК, ДИЛГИРЛИКНИ ЕНГИНГ

**20 ФЕВРАЛЬ, СЕШАНБА**

**Мунажжимларимиз таъкидига кўра, бугун Қуёшнинг жойлашиши сусткашлик, юқори таъсирчанлик, дилгирлик ва турли ирим-сиримларга берилувчанлик билан боғлиқ бўларкан. Демак, уларни енгиб ўтиш бугунги кунимизнинг асосий вазифаси.**

Бугунги кун фарзанднинг пайдо бўлиши учун хайрли ҳисобланиши ҳам таъкидланган.Айни пайтда уйлардаги таъмирлаш - тиклаш ишлари, сафарлар ва саёҳатлар хайрли бўлиши кутилади. Йирик харидлар учун бугунги кун қулай эмас экан.

Ой тақвими эса, бугун танлайдиган йўлимиз билан боғлиқ бўлиб, шунинг учун бирон янги ишга тутинишдан олдин "етти ўлчаб бир кесишимиз"га тўғри келади. Қарорлар қабул қилишда ҳар қандай шошқалоқлик қатъиян ман этилади.

**БУГУН:**

— бирон-бир янги ишни бошлаш;
— ҳар қандай мавқедаги раҳбарлар билан мулоқотда бўлиш;
—йўқотган нарсаларингиз ва ўзингизга керакли кишиларингизни излашга киришиш;
— қатъият билан ва тезкор ҳаракат қилиш;
— ишлаб чиқариш ва бошқа муҳим муаммоларни ҳал этиш билан шуғулланиш.


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## Ҳурматли ишбилармон ва тадбиркор жаноблар!

**Республика Кўчмас мулк биржаси**
**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

2007 йил 22 март куни соат 11-00да Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов тумани, М.Ўразбоев кўчаси, 1-а уй, Республика кўчмас мулк биржаси (РКМБ) биносининг савдолар залида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг 22.09.2005 йилдаги "2-639/05-сонли ҳал қилувчи қарори ва 25.01.2007 йилдаги ажримига асосан, ДАТ "Асака" банки Сирғали филиали томонидан хатланган, Паркент шаҳар, 8-Куличи М.Ф.Й., Хоккуза кўчаси 17-уй манзилида жойлашган, бир қаватли, (қурилиш жой участкаси 380.34 $м^2$ томорқа ва боғи 1319,66 м2 иборат бўлган "Турар хонадон" биноси.

Бошланғич баҳоси — 3 681 644,4 сўм.

2007 йилнинг 22 март куни сотилмаган мулк 27, 29 март, 3, 5, 10, 12, 17, 19, 24, 26 апрель кунлари ўтказиладиган аукцион савдосига қўйилишини маълум қиламиз.

Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризаларни ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 16:00да тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар (юридик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини РКМБнинг қуйидаги; АТИБ «Ипотекабанк» Шайхонтоҳур филиалидаги ҳ/р: 20210000700571452062, МФО: 00425, ИНН 200933850 ҳисоб рақамига ўтказишлари шарт.

Телефонлар: 399-79-52, 144-44-73, 144-44-72.

**Интернетдаги сайтимиз:**
**www.rkmb.uz**
**Лицензия: DB 001**
**№000004**





МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Буюртма Г- 107

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

**Манзилимиз: 700000,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 32**

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.

*Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.*

**Нашр кўрсаткичи — 563**

**Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.**

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
4398 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.**

1 2 3 4 6